

PhD, dotsent Жавлонбек ҚУРБОНОВ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

СОЛИҚЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИК ОМИЛИ СИФАТИДА

Мақолада солиқларни режалаштиришнинг мазмун-моҳияти, принциплари, амалга ошириш босқичлари ва унинг корхоналар инвестицион жозибadorлигини оширишдаги аҳамиятли жиҳатлари кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: *солиқ, солиқларни режалаштириш, солиқ юки, солиққа тортиш базаси, солиқ ставкаси, инвестиция сиёсати, инвестицион жозибadorлик.*

TAX PLANNING AS AN INVESTMENT ATTRACTIVE FACTOR

The article discusses the essence, principles, stages of implementation of tax planning and its significant aspects in increasing the investiture attractiveness of corporate structures.

Key words: *tax, tax planning, tax burden, tax base, tax rate, investment policy, investiture attractiveness.*

Кириш

Бугунги иқтисодиётини модернизациялаш шароитида корхоналарда молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш жараёнини самарали ташкил этиш ҳамда корхона зиммасига тушадиган солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловларнинг корхона молиявий натижасига таъсирчанлигини камайтириш ҳал қилиниши лозим бўлган энг долзарб масалалардан бири саналади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда корхоналар зиммасига тушаётган солиқлар юкини камайтиришга эътибор берилаётган бўлсада, амма корхоналарнинг инвестицион сиёсати доирасида, инвестициялардан олинган даромадлардан қанча миқдорда солиқ тўлашни олдиндан аниқ билиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, солиқлар ҳар қандай ҳолатда ҳам корхоналар молиявий натижасига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Чунки қонунчиликда ҳар қандай шахс солиққа тортиладиган даромади мавжуд бўласа, албатта бу бўйича солиқ тўланиши мажбурийлиги белгилаб қўйилган. Бугунги замонавий бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш, солиқларнинг таъсирини камайтириш ҳамда инвестицион жозибadorликни оширишнинг энг оптимал усулдаридан бири, бу – корхоналарда солиқларни режалаштириш бўлиб ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйида корхоналарда солиқларни режалаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Солиқларни режалаштириш – бу корхоналарнинг солиқ қонунчилиги доирасидан четга чиқмаган ҳолда, амалдаги солиқ имтиёзларидан ҳамда бошқа самарали метод ва усуллардан фойдаланган ҳолда солиқ мажбуриятларини камайтириш ҳисобланади. Бошқача сўз билан айтганда солиқларни режалаштириш молиявий барқарорлик ҳамда инвестицион жозибадорликни таъминлаш мақсадида корхоналарда солиқ мажбуриятларини мумкин бўлган максимал даражада камайтиришга қаратилган метод ва усуллардан самарали фойдаланишни ўзида намоён этади. Юқоридагиларга қўшимча равишда таъкидлашимиз мумкинки, иқтисодий адабиётларда келтирилган мулоҳазалар ҳам солиқларни режалаштиришнинг моҳиятини очиқ беришга хизмат қилади. Масалан, Евстигнеевнинг фикрича “Солиқларни режалаштириш – бу давлат томонидан тақдим этилган солиқ имтиёзларидан ва солиқларни қонуний айланиб ўтиш мумкин бўлган усуллардан фойдаланиб солиқ мажбуриятларини камайтиришга қаратилган бошқарув усулидир”[6].

Шунингдек, С.Элмирзаевнинг фикрига кўра “Солиқларни режалаштириш – қонунчилик томонидан тақдим этилган енгилликлар ва солиқ мажбуриятларини қисқартиришнинг бошқа қонуний усулларида фойдаланган ҳолда солиқ ва уларга тенглаштирилган тўловларни камайтириш бўйича белгиланадиган молиявий режалаштириш туридир”[4].

Умуман олганда инвесторлар бозор иқтисодиёти шароитида қайси ҳудуд ёки қайси соҳада солиқлар камроқ эканлигидан келиб чиқиб ҳам пуллари шу жойга йўналтирилган ҳаракат қилишади. Чунки, деярли барча инвесторлар аввало солиқ тўлаш кераклигини эмас, балки, қанча фойда олиши кераклиги устида кўпроқ бош қотиришади. Шу масалаларни олдиндан ҳисобга олган ҳолда иш юритиш ҳам солиқларни режалаштиришга мисол бўла олади.

Тадқиқот методологияси


Корхоналарда солиқларни режалаштириш ва инвестицион жозибадорликни оширишга доир мазкур тадқиқотни амалга оширишда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, гуруҳлаш, индукция ва дедукция методларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Корхоналарда солиқларни режалаштириш корхона инвестицион фаолиятнинг стратегик режалаштириш таркибий қисми бўлиб, унинг асосий мақсади – солиқ қонунчилигининг барча хусусиятларидан фойдаланган

ҳолда солиқ тўловларини минималлаштириш ҳамда инвестицион барқарорликни ошириш ҳисобланади.

Корхоналарда инвестицион жозибадорликни таъминлаш бир томондан корхоналарда турли метод ва усуллардан фойдаланган ҳолда солиқларни режалаштиришга боқлиқ бўлса, бошқа томондан эса корхоналарни ривжлантириш мақсадада инвестициялар киритилиши солиқлар миқдорини камайтиришга ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Бунинг учун эса корхоналарда солиқ ва инвестиция сиёсатларини чуқур ўзлаштирган мутахассислар фаолият юритиш кераклигини тақозо этади. Солиқларни режалаштиришни самарали ташкил этишда уни амалга оширувчи мутахассислар солиқ ва инвестиция мажбуриятларини яхши билиш ҳамда амалда қўллай олиши, шунингдек, амалдаги тақдим этилаётган солиқ имтиёзлардан оқилона фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади. Солиқларни режалаштириш жараёни солиқ мажбуриятлари камайтиришни кафолатловчи, бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги босқичларни ўз ичига олади (1-расм) ва улар ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.



1-расм. Корхоналарда солиқларни режалаштириш босқичлари

Муаллиф томонидан тайёрланди

Биринчи босқичда тадбиркорлик фаолияти учун муҳим бўлган, яъни қочиб-қутилиб бўлмайдиган мажбурий харажатлар, яъни солиқлар турлари ва миқдорларини олдиндан билиш, тадбиркорлик фаолиятида хохиражамликни таъминлайди. Чунки бундай шароитда, қутилаётган солиқлар катта миқдори ташкил этса ҳам, ҳали солиқ тўлови учун вақт бориши сабабли, солиқ тўлашга тайёргарлик қўриш учун етарли вақт бўлади.

Иккинчи босқичда фаолият турларини юритишда, ушбу фаолият учун қаргусида қандай ва қанча миқдорда солиқлар тўланишини олдиндан аниқлаш, ушбу фаолиятларни амалга ошириш учун инвестициялар қиритишга қулай имконият яратилади. Шу сабабдан ҳам ҳар бир инвестор, қайси фаолиятга қул қиритишидан аввал, қаргусида бу фаолиятдан оладиган даромадлари бўйича қанча солиқлар тўлашини олдиндан билишга ҳаракат қилади. Бундай маълумотларнинг йўқлиги эса, ўз навбатида солиқ қисқарини оширади.

Учинчи босқичда фаолият турлари ёки ҳудудлар учун белгиланган солиқ турларига баҳо бериш орқали, шу жойга қул мабалағларини қиритиш бўйича ҳулоса чиқариш ҳамда бу бўйича қабул қилинган қарорлар самарадорлигини таъминлайди.

Тўртинчи босқичда жадвал тузилиб, унда солиқларнинг ҳар бир тури бўйича қўрсаткичлар аниқланади. Ҳар бир солиқ тури бўйича амалдаги имтиёзлар ўрганилади ва улардан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинади. Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича пухта ўйланган режа тузилади. Қорхоналар молиявий ҳолатига солиқларнинг таъсири таҳлил қилинади.

Бешинчи босқичда қорхоналарда шартномавий муносабатлар тизими солиқларни инобатга олган ҳолда шакллантирилади. Мисол сифатида, ҳали қули тушмаган йирик шартномалар бўйича товар реализациясини, солиқлар тўлов даврига қул тушиши аниқ бўласагина, амалга ошириш мумкин. Акс ҳолда солиқ тўлов даврида молиявий танг ҳолат юзага қелиши мумкин. Бундай ҳолатларнинг мунтазам такрорланиши эса қорхонанинг инвестицион ва молиявий жозибаторлигини пасайтириб юборади.

Олтинчи босқичда қорхоналарда қисқа ва узоқ муддатлар мобайнида тўланадиган солиқлар миқдорининг тахминий суммасини олдиндан аниқлашга ҳаракат қилинади. Бунда қамида 20-30 қул аввал тўланиши лозим бўлган солиқларни аниқлаш муҳим аҳамият қасб этади. Чунки, олдиндан маълумотларга эга бўлиш, солиқларни тўлаш имкониятини қисман оширади ва солиқларни тўлашга тайёргарлик қўриб қорилади. Бундай маълумотга эга

бўлмаслик эса, солиқ суммаси кам бўлган ҳолатда ҳам уни тўлаш корхоналарга оғирлик қилиши мумкин.

Еттинчи босқич корхоналарда солиқ муносабатларини бошқариш билан бевосита боғлиқ. Солиқ менежменти солиқларни режалаштиришни, солиқ тўловларини минималлаштиришни, солиқ муносабатларини оптималлаштиришни, ички солиқ назоратини ташкил этишни, солиқ хатоларини бартараф этишни, бухгалтерия ва солиқ ҳисоб китобларининг тўғри бажарилиши устидан назоратни ўз ичига олади. Солиқ хатоларини камайтиришнинг энг асосий усуллардан бири ички солиқ назорат технологияларидан фойдаланиш бўлиб ҳисобланади. Бундай молиявий назоратларнинг меъёрида амалга оширилиши эса, корхонанинг инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Солиқларни режалаштириш жараёнида солиқ имтиёзларидан фойдаланиш корхоналарда фойданини оширишга таъсир этса, бу эса корхоналар инвестицион жозибадорлигини оширади. Чунки ҳар бир инвестор ўз пулларини юқори фойда келтирувчи лойиҳаларга киритишга ҳаракат қилади. Шу сабабдан ҳам экспортёр корхоналарни ривожлантириш давлат учун ҳам ва хусусий инвесторлар учун манфаатли бўлиб ҳисобланади.

Бошқа томондан эса солиқларни режалаштиришга эътиборни камайтириш, корхоналарда солиқ рискларини юзага келтириш мумкин. Солиқ рисклари бир томондан корхоналарда кутилмаган миқдорда солиқларни юзага келиши ва уни тўлай олмаслик билан боғлиқ хавф-хатар бўлса, бошқа томондан эса солиқ ҳисоб-китобларини нотўғри шакллантириш, кечикиб тақдим этиш ёки тақдим этмаслик натижасида юзага келадиган хавф хатар бўлиб ҳисобланади. Бундай муҳит шаклланган корхоналарга ҳеч қайси инвестор пул киритишга ҳаракат қилмайди.

Ҳозирги кунда биржа ёки биржадан ташқарида амалга ошириладиган йирик тендер савдоларида иштирокчилардан талаб этиладиган асосий ҳужжатлардан бири солиқлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома бўлиб ҳисобланади. Солиқлардан қарзи борлар тендер савдоларида иштирок этолмайди, иштирок этган тақдирда ҳам катта эҳтимоллик билан ютқизиши аниқ бўлиб ҳисобланади. Бу эса корхоналарнинг катта лойиҳалардан даромад олишларини чеклайди. Корхоналарда инвестицион жозибадорликни ошириш мақсадида албатта бундай муаммоларни бартараф этиш мақсадга мувофиқдир.

Корхоналар фаолиятида молиявий сиёсат ўзгарувчан ташқи муҳит шароитларига мослашган ҳолда ҳар йили ўзгартирилиб борилиши мумкин. Амалдаги молиявий қонунчиликка мувофиқ корхоналар учун молиявий ва ҳисоб сиёсатларининг муқобил вариантлари мавжудлиги улар учун энг

самарали молиявий ва ҳисоб сиёсатлари элементларидан фойдаланиш имкониятини беради. Шунинг учун бугунги кунда корхоналарда молиявий хусусан, ҳисоб ва солиқ сиёсатлари элементларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш – солиқларни режалаштиришнинг самарали йўналишларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, солиқ ҳисоботларида аниқланган хатолар учун давлат солиқ хизмати органлари томонидан катта жарима ва санкциялар қўлланилади. Бу эса ўз навбатида корхоналар молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Умуман олганда солиқ хатолари юзага келишининг асосий иккита сабаби мавжуд: биринчиси, корхоналарда етарлича малакага эга бўлмаган ходимларнинг фаолият юритиши бўлса, иккинчиси, мамлакат солиқ қонунчилигининг нобарқарорлик хусусиятга эга бўлиши. Мамлакатимизда сўнгги йилларда солиқ қонунчилиги ва маъмурчилигида олиб борилаётган катта ўзгаришларни ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги кунда корхоналарида юзага келаётган солиқ хатоларининг аксарият қисми етарлича малакага эга бўлмаган ходимларнинг ишлаётганлигини сабаб сифатида келтиришимиз мумкин. Шу сабабдан ҳам корхоналарда ходимларнинг малакаси ошиб бориши корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда корхоналарда инвестиция-солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш юзасидан қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

- корхоналар фаолиятида солиқларга эътибор бермаслик, солиқ миқдори оз бўлса ҳам корхоналар молиявий фаолиятига катта салбий таъсир этиши мумкин ва аксинча солиқларни доимий кузатиб бориш эса ҳисобот даврида катта миқдорда солиқлар ҳисобланса ҳам корхоналар унган аввалдан тайёргарлик кўрилгани учун молиявий ҳолатган таъсири паст бўлади. Яъни, корхоналар фаолиятига солиқ юки даражаси эмас, балким, унган эътиборсизлик кўпроқ салбий таъсир кўрсатади.
- Тендер савдоларида иштирок этиш учун солиқдан қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотларни, агарда муддатлари тўғри келса, солиқ тўлаш муддатларидан аввал олиниши мақсадга мувофиқдир. Чунки, солиқ тўлаш даври ўтгандан сўнг, корхонанинг солиқлардан қарзи шаклланиб қолиши мумкин.
- Корхоналарда ички солиқ назоратларини самарали ташкил этилиши солиқ ва инвестиция муносабатларини тўғри йўлга қўйилишига олиб

келади, бу эса пировард натижада корхонанинг инвестицион жозибаторлигини оширишга хизмат қилади. Бу эса корхоналарнинг келгусида йирик солиқ тўловчи корхоналардан бири бўлишга имконият яратади.

Умуман олганда шуни таъкидлашимиз мумкинки, корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёнида юқорида келтирилган жиҳатларга эътибор қаратиш бир томондан корхоналарда молиявий барқарорликнинг таъминланишига, бошқа томондан эса, давлат бюджети солиқли даромадларини ошишига хизмат қилади. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишига ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ж.Ж.Қурбонов. Корпоратив тузилмаларда моливий рискларни баҳолаш методлари. International Journal of Finance and Digitalization,
2. Ҳамдамов О.Н. Риск менежментини ривжлантиришнинг халқаро амалиёт тажрибалари. Молия илмий журнали. 2021 йил 4-сон, 96-бет.
3. Ташмурадова Б.Э. Солиқ рисклари ва уларни бошқариш хусусиятлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №1, февраль, 2022 йил.
4. Elmirzaev S. E. Improving tax relations in corporate finance management //Abstract of dissertation in economic sciences. Tashkent. – 2017.
5. Ulmasovich O. S. Issues of increasing the investment activity of insurance companies in the capital market //International journal of economic perspectives. – 2023. – Т. 17. – №. 12. – С. 65-71.
6. http://www.elitarium.ru/2009/10/21/nalogovoje_planirovaniye.html